

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий антидопинг агентлиги**  
**бош директори**



**А.Садиков**

2023 йил 10 апрель

**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик**  
**кенгашининг 2023 йил I-чорак якунлари бўйича ўтказилган йиғилиш**  
**БАЁНИ**

2023 йил 10 апрель

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:**

А.Садиков – Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги бош директори

**Кенгаш аъзолари:**

Т.Усмонхўжаев – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети профессори;  
Ф.Керимов – Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси Илм ва инновациялар маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор;

Б.Наримонов – Тошкент давлат юридик университети кафедра муриди, PhD;

Д.Каримова – Ўзбекистон кар соқовлар федерацияси бош котиби, спорт фахрийси;

Б.Марданаев – “Маҳалла” радиоканали мутахассиси;

У.Намозов – “Севимли” телеканали мухбири;

Ҳ.Омонов – Агентлик бош директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, Кенгаш котиби.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини та’минлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча



чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6247-сонли фармони 1-илоvasи 29-бандида берилган топшириқ ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши иш режасида назарда тутилган масалалар ҳақида.

## **2. Бошқа масалалар**

- Агентлик фаолиятига доир масалар юзасидан фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларинг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари юзасидан фикр алмашилди.
- Агентликнинг фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро хамкорлигини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлар тингланди.
- Агентлик фаолиятига таълуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилди ва бошқа масалалар юзасидан кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб, кенгаш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда кўтарилган масалалар юзасидан кенгаш аъзолари доимий равишда фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларинг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро хамкорлигини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш ҳамда Агентлик фаолиятига таълуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритишга келишиб олинди.

Йиғилиш баёнини тузди



Ҳ.Омонов